

Азҳар масжиди



16:05 / 02.12.2019 1428

Мисрда жойлашган дунёдаги энг кўҳна ва салоҳиятли Ислом дорилфунуни, жомеъ масжиди ва мадрасалардан иборат мажмуа Азҳар номи билан аталади. У фотимийлар саркардаси Жавҳар Сақалий томонидан ҳижрий 358 йили Қоҳира билан бир вақтда қурила бошлаган. Дунёга машҳур Азҳар масжиди 970–972 йиллари қурилган. Масжиднинг шундоққина ёнидаги тор кўчада талабалар ўртасида ниҳоятда машҳур китоб расталари жойлашган. Бу ердаги хилма-хил китобнинг кўплигини кўриб ҳар қандай одамнинг ҳуши бошдан учади. Биз ҳам ярим соатча китоб расталарини айландик, турли ҳажмдаги бир неча мусҳаф харид қилдик.

Сўнгра масжид ичига кирдик. Бу ерда таъмирлаш ишлари кетаётган бўлса-да, юз ва эллик кишилик дарсхоналарда машғулотлар тўхтамай давом этар, қурувчилар эса ишни бемалол давом эттиришар эди. Рўпарамиздаги дарс ҳалқасида анъанага мувофиқ мударрислар кийимини кийган, анча кексайиб қолган шайх Индонезия ва Малайзия талабаларига дарс ўтаётган экан. Машғулотлар жуда эркин борар, ерга тўшалган гилам устига чўккалаб олган йигит-қизлар устозлари билан бемалол савол-жавоб қилишар, шайх ҳам уларнинг саволларига эринмай жавоб қайтарар эди. Талабаларнинг билимга ташналигини шу воқеадан ҳам билиб олса бўлади: бир ҳалқада дарс ўтаётган шайх ё чарчади, ё машғулотга ажратган вақти тугади, ўрнидан туриб, масжид дарвозасига қараб юрди. Шунда ҳам

талабалар уни ҳоли-жонига қўймай йўл-йўлакай савол беришар, устоз ҳам уларга жавоб беришдан зерикмасди.

Шаҳар қурилган пайтда фотимий ҳукмдорлар ўзлари учун муҳташам сарой қуриш билан бир пайтда Азҳар масжидига ҳам асос солишган ва Пайғамбар алайҳиссаломнинг қизлари Фотимаи Заҳронинг сифатига хослаб «Азҳар» (порлаб турувчи) деб номлашган эди. Энг қизиғи, масжид билан бир пайтда қурилган фотимийлар саройидан ном-нишон қолмади, аммо масжид ҳамон миллионлаб кишилар талпинадиган илм-маърифат маркази сифатида яшаб келяпти. Минг йиллар мобайнида масжид бир неча марта қайта таъмирланди, Мисрнинг барча мусулмон амирлари ўз дидига мослаб унга ўзгартиришлар киритишди. Масжидда аҳли суннага кирувчи тўрт мазҳаб бўйича дарс ўтиладиган мактаб-мадраса ва дарс халқалари ҳамон ишлаб келяпти.

«Азҳар»нинг барча шоҳобчаларида таълим олаётганлар сони ҳозир бир миллион кишига етади. Уларга олти мингдан зиёд уламо ва мударрис сабоқ беради. Биргина 2001 йилда унда қирқ минг хорижлик талаба ўқиган, умуман саксон беш минг киши олий маълумот (бакалавр) дипломини олган. «Ал-Азҳар»дан Муҳаммад Ғаззолий, Имом Жодул Ҳақ, Юсуф Қарзовий, Мутавалли Шаъроний каби дунёга машҳур олимлар етишиб чиққан.

Азҳар масжиди бутун тарихи давомида турли ҳукмдорлар томонидан бир неча марта таъмирланди ва қайта қурилди. Лекин шунга қарамай масжиднинг асл қиёфаси деярли ўзгармай келяпти. Ҳозирда масжиднинг умумий майдони энига 120, бўйига эса 130 метрни ташкил этади. Унинг ички ҳовлисини 380 та тош устун кўтариб турган катта айвонлар ўраб олган.

Тошкент Ислон маъҳади мударриси Валихон Азимбоев